Аудиторская организация в форме общество с ограниченной ответственностью

GRANIT AUDIT

Mas'uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi auditorlik tashkiloti

100015, г.Ташкент, ул.Нукусская, д.77, тел: (+99890) 937-55-10, (+99893) 565-55-37, (371) 255-81-85,
р/с: 20208000000233778001 в ОПЕРУ ОАКБ «Микрокредитбанк», МФО: 00433 ИНН: 207185836,
ОКОНХ: 84400, факс: (371) 255-81-85, e-mail: granitaudit@mail.ru

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

МЧЖ «GRANIT AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 10.06.2013й. 1097-сон билан рўйхатдан ўтган, аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун АФ № 00731-сонли лицензия Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 22.01.2014 йилда берилган) Тошкент шахар Нукус кўчаси 77 уйда жойлашган, телефон (+99890) 937 55 10, (371) 255 81 85, х/р 20208000000233778001 АТБ «Микрокредитбанк» бош офиси, МФО 00433, инн 207185836, e-mail: granitaudit@mail.ru

Аудиторлик ташкилотининг аудитори Хўжаев Бахтиёр Одилхонович (аудитор малака сертификати № 04740 Ўз.Р. Молия вазирлиги томонидан 14.07.2014 йилда берилган) томонидан Андижон вилоят Хўжаобод туманидада жойлашган, АТБ "Агробанк" Хўжабод туман бўлими, МФО:00042 х/р 20210000300282278001, ИНН:200297131. «Хўжаобод пахта тозалаш» АЖ нинг 1.«Бухгалтерия баланси» №1, 2. «Молиявий натижалар тўгрисида хисобот» № 2-шакл, 3.Хўжаобод туман ДСИга топширилган давлат бюджетига солиқлар ва мажбурий ажратмалар бўйича хисоботлар нусхаси ва бошқа бирламчи хужжатлардан иборат.

2017 йил 01 январдан 2017 йил 31 декабргача холатидаги молиявий хисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги.

Хўжалик юритувчи субъект рахбарияти бухгалтерия хисоби тўгрисидаги конун хужжатларига мувофик молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва хаққонийлиги, хамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотини жавобгарлиги.

Аудиторлик ташкилотини жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. «Хўжаобод пахта тозалаш» АЖнинг илова килинган молиявий хисоботини аудиторлик текширишдан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча мухимлилик жихатлари бўйича бухгалтерия хисоби тўгрисидаги конун хужжатларига мувофиклиги ва хаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувни Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувни режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади.

XO'JAOBOD TUMANI DSI
Kelgan hujjat № 00848
"14" 05 2018 y.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети хисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб хисоблаймиз.

Ижобий фикр.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект «Хўжаобод пахта тозалаш» АЖнинг 2017 йил 31 декабр холатидаги молиявий хисоботи барча мухимлилик жихатлари бўйича унинг молиявий холатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини хаққоний акс эттиради ва бухгалтерия хисоби тўғрисидаги конун хужжатлари талабларига мувофик келади.

МЧЖ «GRANIT AUDIT» аудиторлик ташкилоти директори:- Б.О.Хўжаев

Аудитор:- Б.О.Хўжаев

Сана 30.04.2018 йил .